


Асосий капиталга инвестициялар.

2018 йил январь-март ойларида

Молиялаштиришнинг манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар.

Жорий даврда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2506,6 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 72,2% ташкил этди. Молиялаштиришнинг манбалари бўйича таҳлил қилинганда, жорий даврда ўзлаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми чет эл инвестициялари ва кредитлари – 1744,0 млрд. сўм, ёки 69,6 % , корхоналарнинг ва аҳолининг ўз ҳисобидан эса 598,5 млрд. сўм, ёки 23,9% жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳисобига тўғри келади.


2018 йил январь-март ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 75,0 млрд. сўм ёки 3,0 фоиз, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан эса 2431,6 млрд. сўм ёки 97,0 фоизни ташкил қилади.



Марказлашган молиялаштириш манбаларининг энг катта қисми Республика бюджети ҳисобига –1,4 % ташкил қилади, шуниндек Ўзбекистон


Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар – 1,3% ,
Давлат мақсадли фондлар ҳисобига -0,3% .

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий
ҳажмига нисбатан марказлашган молиялаштириш
манбаларининг таркиби, фоизда.**




Марказлашмаган молиялаштириш манбаларинг 68,3 фоизи тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келади. Шунингдек корхона ва ташкилотлар ҳисобига 22,3 фоиз, аҳоли ҳисобига 1,6 фоиз, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағларига 4,8 фоизи марказлашмаган молиялаштириш манбаларинг асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмига тўғри келади.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий
ҳажмига нисбатан марказлашмаган молиялаштириш
манбаларининг таркиби, фоизда.**




Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби, умумий ҳажмдаги улуши %



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби бўйича 1933,5 млрд. сўм қурилиш-монтаж ишларига ўзлаштирилган бўлса, машина, ускуналар ва жихозларни харид қилишга 284,2 млрд. сўм ва бошқа харажатларга 288,9 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган. Қурилиш-монтаж ишлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг **77,1** фоизи йирик корхона ва ташкилотлар улушига тўғри келади ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **183,3** фоизни ташкил қилди. Бу асосан тоғ-кон саноатида яратилаётган янги йирик ишлаб чиқариш қувватларига киритилаётган инвестициялар билан боғлиқ.


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби бўйича умумий ҳажмдан 2056,0 млрд. сўм ёки 82,0 фоиз – янги қурилишга, 129,2 млрд. сўм ёки 5,2 фоиз – кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга ва 321,4 млрд. сўм ёки 12,8фоиз – бошқа йуналишларга тўғри келади.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби,
жамига нисбатан фоизда**



**Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий
фаолият турлари бўйича таркиби.**

**Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият бўйича
таркиби, жамига нисбатан фоизда.**




Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида юқоридаги диаграммада кўрсатиб ўтилганидек тоғ-кон саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1992,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 79,5 фоизи ўзлаштирилган. Шундан 1961,1 млрд. сўм, ёки инвестицияларнинг 78,2 фоизи табиий газ қазиб чиқариш учун йўналтирилган.

Шунингдек асосий капиталга инвестицияларнинг энг кўп инвестиция ҳажмлари ташиш ва сақлашга $-7,2\%$, уй-жой қурилишига $-4,3\%$, қайта ишлашга $-2,5\%$ ва бошқа фаолият турларига $-6,5\%$ тўғри келади.


Турар жой қурилишига инвестициялар аҳолини намунавий лойиҳалар асосида қурилатган ва арзонлаштирилган уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда аҳоли томонидан яқка тартибдаги турар-жойлар қурилиши ҳажмлари билан боғлиқ.

Хорижий инвестиция ва кредитлари.

2018 йил январь-март ойларида 1744,0 млрд. сўм ёки асосий капиталга инвестицияларнинг умумий ҳажмининг 69,6% хорижий инвестиция ва кредитлари ҳисобидан амалга оширилган. Ўтган йилга нисбатан ўсиш фоизи 63,6 фоизни ташкил қилган. Шундан хорижий инвестицияларнинг ҳажми 1711,8 млрд. сўмни ташкил қилган.



Иқтисодий фаолияти турлари бўйича хорижий инвестициялари ва кредитлари, млрд. сўм.



Хорижий инвестициялар ва кредитларнинг асосий ҳажми тоғ-кон саноатига 1709,9 млрд. сўм тўғри келиб, бу инвестициялар Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари бўйича ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ.

Объектларни ишга тушириш.

Ижтимоий соҳада жорий даврда жами 63,7 минг кв.м, шу жумладан қишлоқ жойларда 45,6 минг кв.м турар жойлар ишга туширилди. Улардан намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар жойлар 13,2 минг кв.м ни ташкил етди.